

Истиффорнинг фойдаси



08:00 / 19.07.2020 3469

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал сафарлардан бирида қоронғи тушгач, бир қишлоқда тўхтадилар. Тунаш учун масжиддан бошқа жой топа олмагач, у ерга кириб, энди ётмоқчи бўлган эдилар, ўша атрофда айланиб юрган бир соқчи у кишини кўриб қолиб, масжиддан чиқариб юбормоқчи бўлди. Имом Аҳмад соқчига ҳар қанча тушунтирсалар ҳам, фойдаси бўлмади. Охири Имом Аҳмад соқчига: «Ҳеч бўлмаса масжиднинг остонасида ётай!» дедилар. Лекин соқчи барибир масжидда қолишга рухсат бермади.

Имом Аҳмад жуда виқорли киши эдилар. У кишини кўрган одамни ҳайбатлари босар эди. Ўша маҳаллада нон сотиб юрадиган бир новвой узоқдан у зотни кўриб қолди. Қараса, бояги соқчи имомни масжиддан судраб олиб чиқяпти. У дарҳол бориб, имомдан ўз уйида тунашни илтимос қилди. Имом Аҳмад рози бўлдилар, новвой у кишини чиройли иззат-икром билан меҳмон қилди.

Кейин новвой хамир қора бошлади. У ҳар гал хамирни муштлаётганда истиффор айтар, нонни зувала қилишда ҳам, уни тандирга ёпишда ва ундан узиб олишда ҳам истиффорни тўхтатмас эди. Орадан анча вақт ўтгач, бу ҳолни кузатиб ўтирган Имом Аҳмад новвойдан бунчалик кўп истиффор айтишининг сабабини сўрадилар. Новвой ҳар бир ишда истиффор айтишга одатланиб қолганини айтди. «Истиффорнинг фойдасини кўрдингми?» деб сўрадилар Имом Аҳмад. Новвой: «Ҳа, Аллоҳга қасамки, нима деб дуо қилсам, барчаси ижобат бўлди. Фақат биргина дуоим ижобат

бўлмади», деб жавоб берди. «Нима экан ўша дуоинг?» деб сўрадилар имом. «Имом Аҳмад ибн Ҳанбални кўриш», деб жавоб берди новвой. Шунда имом Аҳмад: «Мен Аҳмад ибн Ҳанбалман. Демак, Аллоҳ таоло сенинг дуоингни ижобат қилиши, орзуингни рўёбга чиқариш учун соқчи мени масжиддан судраб чиқарган экан-да!» дедилар.

«Солиҳлар гулшани» китобидан